

ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
“МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК” ФАКУЛЬТЕТИ

“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ”
КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ
ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

“Автоойна” МЧЖ шароитида 01.007-сонли “Суюқлик
учун насос” нинг 01.007.003-сонли “Қопқоқ” деталига
механик ишлов бериш технологик жараёнини
лойиҳалаш.

17-14 “МСТ” гуруҳ талабаси

Битирувчи:

Абдунабиев Сайдулло Абдуллажон ўғли

Раҳбар:

Абдуллаев Шўхрат Махмуджонович

Тақризчи:

Ахмедов Авазжон Аманович

Маслаҳатчилар:

Хорижий инвестициялар бўлими:

Нурматов А.Ф.

Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўлими:

Мирзаева Г.С.

ФАРҒОНА – 2018

Мундарижа

КИРИШ.....	3
2. УМУМИЙ ҚИСМ.....	8
2.1. Деталнинг хизмат вазифаси.....	8
2.2. Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари	9
2.3. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш	11
3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.....	12
3.1. Заготовка турини танлаш ва уни тайёрлаш усулини аниқлаш.....	12
3.2. Детал юзаларига механик ишлов бериш режасини тузиш	13
3.3. Танланган технологик жараёнларни асослаш.....	15
3.4. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини аналитик ҳисоби (битта юзага) 17	
3.5. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини жадвал усули билан ҳисоби (қолган юзалар учун).....	22
3.6. Кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш. (битта юзага).....	23
3.7. Кесиш маромларини жадваллар усулида ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш (қолган юзалар учун)	29
3.8. Сарфланган техник вақт меъёрини аниқлаш.	39
3.9. Техрологик жараён ҳужжатлари.	44
4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ	60
4.1. Дастгоҳ мосламасини лойиҳалаш ва ҳисоблаш.....	60
4.2. Саноат робетини ушлаш механизминини лойиҳалаш ва ҳисоблаш	64
4.3. Кесиш асбобини лойиҳалаш ва ҳисоблаш	67
5. ТАШКИЛЛИШ БЎЛИМИ	72
5.1. Деталига ишлов бериш механик бўлимини ташкил қилиш.....	72
5.2. Дастоҳлар миқдорини аниқлаш.....	73
5.3. Ишчи ва хизматчилар сони.....	76
5.4. Бўлим майдони ҳисоби.....	78
6. ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ	80
7. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЛИМИ	86
8. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БЎЛИМИ	94
9. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	104
10. СПЕЦИФИКАЦИЯЛАР	106
11. ИЛОВАЛАР	109
11.1. Иккита утиш учун кесиш маромини компьютер дастури ёрдамида ҳисоби	109
11.2. Интернетдан олинган маълумотлар	111

КИРИШ

Иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун итисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификатсия қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини, бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Машинасозликни ривожланишида ҳозирги кунда икки йўналиш асосий ва белгиловчи бўлиб қолмоқда. Булардан бири ишлаб чиқариш жараёнининг ва уни технологик тайёрлашни интеллектуаллаштириш бу ўз навбатида лойиҳалаш бўлимларида ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида компьютер технологияларидан ва автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланишдан иборатдир. Чунки интеллектуал лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш тизимлари тайёр маҳсулот турининг биридан иккинчисига ўтишининг мосланувчанлигини таъминлайди. Иккинчи йўналиш инсон эҳтиёжини индивидуаллигини, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда бир ҳил вазифани бажарувчи турли кўринишдаги машина ва механизмлар яратишдан иборат.

Замонавий ва рақобатдош машиналарга юқори аниқлик ва тезлик, иссиқликка чидамлик, кичик вазин ва ҳажм, мустаҳкамлик ва ишончлик каби юқори талаблар қўйилган. Бундай талабларни ошиб бориши машинасозлар олдига мураккаб конструкторлик ва технологик саволларни қисқа вақт ичида ечиш масаласини қўймоқда. Шу сабабли машинасозлик технологияси, ишлаб чиқариш дастурига асосан белгиланган муддат ичида талаб этилган сифат даражасида меҳнат ҳамда моддий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда машина ва механизмлар тайёрлаш қонуниятларини ўргатади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Қисқа давр ичида заводда «General Motors» компаниясининг яна икки янги глобал русуми – «Spark» ва «Kobalt» автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 1856-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги «Хоразм вилояти «Damas» русумли енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 51-сонли қарорига мувофиқ вилоятда «GM Uzbekistan» аксиядорлик жамиятининг Хоразм вилояти филиали – «Хоразм авто» заводи ишга туширилди.

2014 – йилнинг биринчи ярмида «Damas» ва «Orlando» русумли автомобилларни йиғиш бошланди. Шу йилнинг ўзида 30,7 минг дона «Damas» ва «Orlando» автомобиллари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, юртимизда кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида ўтган йилнинг охирида «Labo» автомобиллини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Натижада, 1996 йилда учта русумдаги автомобилларни ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган заводда бугун ўн битта русумдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмақда. Уларнинг орасида яқинда авто ишқибозларга тақдим этилган «Nexia» автомобиллининг янги авлоди мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб совға бўлди. Мазкур янги автомобил қулайлиги, жихозланиши, хавфсизлиги бўйича энг юқори талаблар даражасида ишлаб чиқарилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кўп йиллардан буён енгил автомобилларимиз аксарият компаниялар томонидан ўтказиладиган

рейтингларда оммабоплиги юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш-энг олий саодатдир” номли асарларида қуйидаги фикрларни келтириб ўтганлар.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан имкониятларга эга эканини барчамиз яхши биламиз.

Ҳозирги пайтда маҳаллийлаштирилган корхоналар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки улар экспорт бозорига ҳам чиқмоқда. 2014 йилда умумий киймати 1 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда 550 турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт килинди.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 та русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йулдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар пайдо бўлди.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган “Женерал моторс-Ўзбекистон”, “Андижон кабель”, “Уз авто аустем”, “Куртон текс” каби йирик корхоналар нафақат вилоят, керак бўлса, мамлакатимиз иктисодиётининг ҳам таянч устунлари ҳисобланади.

Айниқса, «Женерал моторс - Ўзбекистон» автомобиль заводи Ўзбекистон саноатининг наинки локомотивларидан бири, айни вақтда фахри, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайдди. Ана шу улкан мажмуа мамлакатимиз

учун мутлақо янги тармоқ бўлмиш автомобилсозлик саноатининг тамал тошини қўйган йирик замонавий корхона сифатида тарихга кирганини барчамиз яхши биламиз.

Бугунги кунга қадар бу корхонада 2 миллион 400 минг автомобиль ишлаб чиқарилди. Йилига 250 минг енгил машина тайёрланмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда ҳар икки оиладан биттаси енгил автомобилга эга экан, буларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар экани, айниқса, эътиборлидир. Бу ерда ўзимизнинг коллежларимиз, олий ўқув юртларимизни битириб, чет элда малака оширган ёшларимиз илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган, мураккаб техника ва технологияларни мохирона бошқармоқда.

2017-йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан **2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури** қабул қилинди. Шу йилдан машинасозлик саноатини ривожлантириш бўйича янги қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса машинасозлик технологияси фан сифатида шаклланишнинг асосий шартларидан бири инсоннинг меҳнат қуролларини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга бўлган интилишдадир.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 – йил 7 – февралдаги ПФ-4947 – сонли Фармони тасдиқланди.

Улар қуйидагилар:

1. Давлат ва жамият қурилишини; 2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; 3. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш; 4. Ижтимоий соҳани

ривожлантириш; 5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ва Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилди.

Мустақил мамлакатимизда машинасозликни ривожланишига катта эътибор қаратилган. Кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди, қўшма корхоналари турли замонавий машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Битирув малакавий ишида юқорида тавсифланган машинасозлик технологиясининг назарий асослари, машина ва механизмлар деталларини тайёрлашнинг ва ишлов беришнинг илғор инновацион технологиялари ҳамда уларни йиғишнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда бажарилган. Шунингдек энг замонавий юқори унумдорли металларга ишлов бериш дастгоҳлари, дастгоҳ мосламалари, ўлчаш ва кесиш асбобларидан фойдаланилган.

2. УМУМИЙ ҚИСМ


2.1. Деталнинг хизмат вазифаси

Берилган детал “Қопқоғ” деб номланиб, унинг массаси 0.95 кг бўлиб, ГОСТ 1050-2013 бўйича СТ 2-12 материалдан ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида тайёрланади.

“Қопқоғ” детали йиғма бирикмаларда ёрдамчи деталлардан бири ҳисобланиб, асосан ташқи муҳитда жойлашган бўлади. Айланма ҳарактланишга мўлжалланган деталларни маълум бир ўқда ва йўналишда ушлаб туриш, уларни ишлаш жараёнида тана ва бошқа шунга ўхшаш деталлар билан тўқнашиб кетмаслигини таъминлайди.

Деталимизнинг асосий юзалари марказда жойдашган **Д** ҳамда **Е** юзаси бўлиб, улар йиғма бирикмаларда бошқа деталларнинг юзалари билан бирикувчи ҳисобланади. Шу сабабли ушбу юзаларнинг юза тозалиги юза тозалиги 7 – синф аниқликда, R_a бўйича 2.5 мкм ўлчамда тайёрланилади. Деталимизнинг **А** юзасида 3 та тешик мавжуд бўлиб, улар ажралувчан брикмалар ёрдамида қопқоқни тана деталига маҳкамлаш учун ишлатилади.

“Қопқоғ” деталининг қолган юзалари ёрдамчи юзалар ҳисобданиб, иш жараёнида муҳим аҳамият касб этмаганлиги сабабли, детал заготовкасидан кўйим миқдорини олиб ташлаш орқали юза тозалиги R_z бўйича 80 мкм билан кифояланади.



ГОСТ 1052-2013 бўйича Ст 10 материалнинг ўртача кимёвий таркиби қуйидагича (ўлчамлар % ларда).

1 – жадвал.

C, %	Si, %	Mn, %	P, %	S, %	Cu, %
			дан кам эмас		
0.07-0.14	0.7-0.37	0.35-0.65	0.035	0.04	0.25

Машинасозликда Ст 2-12 материалдан асосан шестерня, тана, цилиндр, шпиндел ҳамда кулачок деталлари тайёрланилади.

Ишлаш шароитидан келиб чиққан ҳолда Ст 2-12 материални Ст5 Ст8 Ст10 ва Ст12 каби метериаллар билан алмаштириш мумкин.

2 – жадвал.

Ст 10 материалнинг ўртача механик хоссаси.

σ_H МПа	σ_B МПа	Ψ %	δ_s %	d_n , кг/мм ²	НВ	КСУ Дж/м ²
260	420	69	32	-	143	221

Ст 10 материалнинг қаттиқлиги тоблаш ва бўшатиш жараёнларидаги ҳарорат миқдорлари билан боғлиқ равишда ўзгариб боради.

2.2. Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари

Технологикликка таҳлил меҳнат сиғими ва металл сарфини камайтириш имкониятларини аниқлаш, ишлов беришда иш унумдорлигини юқори бўлган усуллардан фойдаланиш, детални ишчи вазифасига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳолда детал тайёрлаш, таннархни камайтириш усулларини топишдан иборат. Берилган деталнинг ишлов бериладиган юзалари алфавит бўйича бош харфлар билан белгилаб чиқилади.

Лойхаланаётган детални чизмасини тахлили шуни кўрсатадики детални ишчи вазифасини ўзгартирмаган ҳолда уни тузилиши элементларини қисқартириш имкони йўқ. Ишлов беришда қийинчилик туғдирадиган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган юзалар аниқланади.

Бажарилган таҳлил қуйидаги коэффициентларни аниқлашга имкон беради.

1. Конструктив элементларни унификациясини коэффициенти.

$$K_{y.э} = \frac{Q_{y.э}}{Q_э}$$

бу ерда:

$Q_{y.э}$ ва $Q_э$ унификацияланган конструктив элементлар сони ва детални ҳамма элементлар сони

$$K_{y.э} = \frac{Q_{y.э}}{Q_э} = \frac{1}{5} = 0.2$$

2. Материаллардан фойдаланиш коэффициенти.

$$K_{им} = \frac{q}{Q}$$

бу ерда:

q – детал оғирлиги, $q=0.95$ кг

Q – заготовка оғирлиги, $Q=1.3$ кг

$$K_{им} = \frac{q}{Q} = \frac{0.95}{1.3} = 0.73$$

3. Ишлов бериш аниқлиги коэффициенти.

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{A_{yp}}$$

бу ерда:

$$A_{yp} = \frac{(n_1 + 2n_2 + 3n_3 + \dots + 19n_{19})}{\sum_1^{19} n_i} = \frac{2 \cdot 7 + 3 \cdot 14}{5} = 9.2$$

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{A_{yp}} = 1 - \frac{1}{9.2} = 0.9$$

4. Юзалар ғадир–будурлик коэффициенти.

$$K_{ш} = \frac{1}{B_{ep}}$$

бу ерда:

$$B_{ep} = \frac{(0.01n_1 + 0.02n_2 + \dots + 40n_{13} + 80n_{14})}{\sum_1^{14} n_i} = \frac{2 \cdot 2.5 + 2 \cdot 5 + 1 \cdot 10}{5} = 4$$

$$K_{ш} = \frac{1}{B_{ep}} = \frac{1}{4} = 0.25$$

Бажарилган тахлил йиғув бирикманинг берилган детални тўғри лойихалашга имкон беради.

2.3. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш

Технологик жараён ва унинг тузилиши ишлаб чиқариш тури бўйича аниқланади.

Ишлаб чиқариш тури ва унга тўғри келадиган ишни ташкил қилиш шакли технологик жараённи таснифини ҳамда унинг тузилишини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш турини аниқлаш деталга механик ишлов бериш технологик жараённи лойихалашни бошланғич асосий босқичидир. Ишлаб чиқариш турини жадваллар усули билан аниқлаганда деталнинг оғирлиги ва йиллик ишлаб чиқариш дастури талаб қилинади.

Юқоридагиларни анализ қилиб, ишлаб чиқариш тури ўрта серияли, деталнинг мураккаблиги 2 – синфга мансуб эканлиги детал айланиш ўқиға симметрик эканлиги, материали СЧ 18 эканлигини ҳисобга олиб унинг хом – ашёсини **қуйма** усули билан оламыз.

Бунда N=20000 дона ва m = 3,19 кг бўлганда ([10],2ж,18б) ишлаб чиқариш тури ўрта серияли деб айтишимиз мумкин.

Берилган йиллик дастурга асосан ишлаб чиқариш қадамини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади.

$$t_b = \frac{F_g \cdot 60}{N} = \frac{2030 \cdot 60}{20000} = 6,9 \frac{\text{дак}}{\text{дона}}$$

бу ерда: $F_g = 2030 \text{ соат}$ – дастгоҳларни бир йиллик ҳақиқий ишлаш вақти фонди; $N=20000$ дона – йиллик ишлаб чиқариш дастури.

Бўлимдаги иш тартиби 1 сменали. Серияли ишлаб чиқариш турида деталларни партияларга бўлиб ишлов бериш сабабли партиядаги деталлар сонини ҳисоблаб топиш талаб қилинади.

$$n = \frac{N \cdot a}{F} = \frac{20000 \cdot 3}{254} = 236 \text{ дона}$$

бу ерда: $a=3,6,12,24$ кун – партиядаги деталларни ишлов беришга киритилиш даври; $F=254$ кун – бир йилдаги ишчи кунлар сони.

3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

3.1. Заготовка турини танлаш ва уни тайёрлаш усулини аниқлаш

Хом ашёни олиш усулини танлашни деталнинг материали ва ўлчамлари, ишчи вазифаси, йиллик ишлаб чиқариш дастури ва умумий тузилиши каби омиллар белгилаб беради.

Юқоридаги масалаларни хал этишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- Заготовка ўлчам ва тузилишининг деталнинг ўлчам ва тузилишига максимал яқинлиги;

- Заготовкани аниқлигини оширмаслик ва тузилишини мураккаблаштирмаслик;

Чунки булар детал таннархининг ошишига олиб келади.

Машина деталлари учун заготовкalar асосан қуйидаги усуллар билан тайёрланади:

- 1) қора ва рангли металллардан қуйиш йўли билан;
- 2) босим билан ишлаш (болғалаш ва штамплash) орқали;
- 3) қора ва рангли металллар прокатидан;
- 4) металлокерамикадан (кукун металлургияси йўли билан);
- 5) пайвандлаш – заготовка қисмларини бир бутун қилиб улаш йўли билан;
- 6) металлмас материаллардан (пластик массалар ва бошқалардан).

Заготовка олиш усулини танлаш, детални ўлчам ва материали, ишчи вазифаси, уни тайёрлашга техник талаблар, йиллик дастур ва умумий тузилиши каби омиллар белгилаб беради. Шунинг учун ҳам заготовка олишни оптимал усули қилиб, заготовка таннархи кам бўлгандаги усули ҳисобланади.

Заготовка олишни мавжуд усуллари таҳлил қилиб, берилган ишлаб чиқариш шароитида деталимиз учун заготовкани олинишида **қуйма** усулидан фойдаланамиз.

$$S_{\text{заг}} = \left(\frac{C_1}{1000} \cdot Q \cdot R_t \cdot R_c \cdot R_b \cdot R_m \cdot R_n \right) - (Q - q) \frac{S_{\text{тх}}}{1000}, \text{ сўм}$$

бу ерда:

C_1 – бир тонна материал таннархи, сўм

$R_t=1,0$ ([2], 376) – аниқлик коэффиценти;

$R_c=0,84$ ([2], 2.12ж, 386) – мураккаблик коэффиценти;

$R_b=1,1$ ([2], 2.12ж, 386) – оғирлик коэффиценти;

$R_m=0,84$ ([2], 336) – материал коэффиценти;


$R_n=1,0$ ([2], 346) – серриаллаш коэффиценти;

$$S_{\text{заг}} = \left(\frac{5300000}{1000} \cdot 1.3 \cdot 0.84 \cdot 1.0 \cdot 1.1 \cdot 0.84 \cdot 1.0 \right) - (1.3 - 0.95) \cdot \frac{175000}{1000} = 5347,7 - 8.75 = 5338$$

сўм.

3.2 Детал юзаларига механик ишлов бериш режасини тузиш

Механик ишлов бериш технологик жараёнларини лойihalаш учун хар бир деталнинг йиллик ишлаб чиқариш дастури асос бўлади. Машина деталлари юзаларига механик ишлов бериш режаси уларни тайёрлашни энг маъқул вариантини тузишдан иборат. Юзаларга ишлов бериш кетма–кетлигини танлашдан илгари детални тайёрлаш аниқлиги ва техник шартларига хом ашёни олишни механик ишлов бериш усулларига шунингдек шу детални тайёрлашни типовой ёки ишлабчиқаришда қўлланилаётган технологик жараёнга таяниш керак. Асосий эътиборни хом ашё юзаларига ишлов бериш учун технологик базаларни қабул қилишга қаратилади.



1 – расм. Детал юзаларининг технологик белгиланиши.

Қопқоғ детали заготовкасига механик
ишлов бериш режаси.

3 – жадвал

Операция №	Ўтиш №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Базалаш юзалари	Махкам- лаш юзалари	Дастгоҳ номи ва тури
1	2	3	4	5	6
005	1	Токарлик винтқирқиш А торец юза $l=30$ мм ўлчамда кесилсин	В	Г	16К20 Токарлик винтқирқиш
	2	Д марказий тешик $\phi 16$ мм $l=10$ мм ўлчамда пармалансин			
	3	А торец юзада $R=5$ мм фаска очилсин			
010	1	Токарлик винтқирқиш В торец юза $l=30$ мм ўлчамда кесилсин	А	Б	16К20 Токарлик винтқирқиш

015	2	В торец юзага $v=6$ мм $l=1$ мм ўлчамда ариқча кесилсин	В	Б	2Н125 Вертикал пармалаш
	3	Г юзада $3 \times 45^\circ$ фаска очилсин Вертикал пармалаш			
	2	А юзада 4 та тешиқ $\varnothing 4$ $l=30$ мм ўлчамда пармалансин			
020	3	А юзада 4 та тешиқ $\varnothing 5$ $l=30$ мм ўлчамда пармалансин	Б	А.В	2М55 Радиал пармалаш
		А юзада 2 та тешиқ $\varnothing 3$ мм $l=30$ мм ўлчамда пармалансин			
		Горизонтал пармалаш Б юзада $\varnothing 11,5$ мм $l=18$ мм тешиқ пармалансин Б юзада $m12 \times 1.5$ $l=13$ мм тешиқка резба очилсин			

3.3 Танланган технологик жараёнларни асослаш

Биз танлаган технологик жараён иқтисодий жихатдан ҳам, замонавий ишлаб чиқариш саноати шарт–шароитлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Берилган йиллик дастурга асосан ва деталнинг оғирлигига нисбатан кўп серияли ишлаб чиқариш турини танладик.

Бу турдаги ишлаб чиқариш корхоналардаги шароит ихчамлик ва бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда мосланувчанликни тақозо этади.

Технологик жараёнда танланган дастгоҳларимиз ва мосламаларимиз меҳнат унумдорлигини ошириш ва сарф харажатларини камайитиришга йўналтирилган.

Замонавий металлларга механик ишлов берувчи усуллар, қуйма заготовкларни қуйиш, тебратиб тозалаш машиналари, босим билан ишлов бериш усулларида ташкил топган технологик жараён йиллик дастурда кўзда тутилган маҳсулотни етарли даражада ва ўз вақтида бажаришга имкон беради.

Технологик жараённинг лойихалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим бўлади.

1. Вақтдан ютиш учун қўлланиладиган технологик жараёндан фойдаланиш.
2. Хаддан зиёд қимматбаҳо металл кесувчи дастгоҳлар ва кесувчи асбоблардан фойдаланмаслик.
3. Иложи борича стандартилашган ва нормаллаштирилган асбоб–уचनाлардан фойдаланиш.
4. Замонавий лойихана ташкиллаш усуллари ишлаш.
5. Иложи борича детални бир ўрнатишда кўпроқ юзаларига ишлов беришга эришиш.

Булар технологик жараённи арзонлаштиради ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтиради.

Берилган деталимизни тайёрлаш учун заготовкага механик ишлов беришда оптимал танланган технологик жиҳозлар мажмуи қуйидагиларни ташкил этади:

005 ва 010 – операсиялар учун ишлаб чиқариш корхонасининг механик ишлов бериш цехида мавжуд бўлган дастгоҳларга боғлиқ ҳолда универсал токарлик дастгоҳи 16К20 ни танлаб оламиз. Берилган детал қопқоқ, габарит ўлчамлари $\varnothing 30\text{мм}$ $l=90$ мм бўлгани учун бу энг оптимал танлов ҳисобланади ([4], 4.7–ж, 163–б).

Ишлов бериладиган энг катта диаметр	(мм)	400
Марказлар орасидаги масофа	(мм)	710 ... 2000
Шпинделнинг айланишлар частотасининг поғоналари сони	(та)	24
Шпинделнинг айланишлар миқдори	(мин)	12.5 ... 1600
Кескичтутгич ўлчамлари	(мм)	25x25
Суриш поғоналари сони:		
бўйлама	(та)	22
кўндаланг		24
Суришлар миқдори:		
бўйлама	(мм/айл)	0.05 ... 2.8
кўндаланг		0.025 ... 1.4
Электродвигател қуввати	(кВт)	10

3.4. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини аналитик ҳисоби (битта юзага)

Қўйим – бу детал юзасини механик ишлаб бериш билан талаб қилинган ғадир – будурлик ва аниқлик олиш учун қолдирилган металл қатламидир.

Заготовкага механик ишлов бериш учун технологик жараёни лойиҳалашда, берилган детални ишлов берилаётган юзасининг аниқлиги ва юза тозалигини таъминлаш учун қўйимлар миқдорини тўғри танлаш талаб этилади.

1. Берилган деталда $\varnothing 90$ мм $l=30$ мм Б юза учун механик ишлов беришда қўйимлар миқдорини ҳамда фазовий четланиш қийматларини ҳисоблаймиз.

1.1. Детал заготовкеси қуйма усулида олинган бўлиб массаси 0.95 кг бўлганда ([3], 4.2–ж, 62–б) дан:

$$2Z_{i\min} = 2(R_{z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2}) \quad (8)$$

бу ерда:

$R_{z_{i-1}}$ – олдинги ўтишдаги ғадир – будурлик миқдори,

T_{i-1} – олдиниг нуқсонли ўтиш қатлами,

ρ_{i-1} – заготовкани геометрик хатоликлар миқдори,

ε_{y_i} – заготовкани мосламада ўрнатиш хатоликлари миқдори.

1.2. R_z ва T нинг қийматларини қуйидагича

$R_z=150$ мкм, $T=150$ мкм ([3], 4.3–ж, 63–б).

1.3. Фазовий четланиш.

$$\rho_{кор} = \Delta\kappa \cdot L \quad L = 30 \quad \Delta\kappa = 0.15 \text{ мкм} \quad ([3], 4.8\text{–ж, } 68\text{–б}).$$

$$\rho_{кор} = 0.15 \cdot 30 = 4.5$$

(9)

([3], 4.8–ж, 71–б).

1.4. Заготовкани дастгоҳ мосламасига ўрнатиш ва махамлаш хатоликлари йиғиндиси.

$$\varepsilon_{yM} = \sqrt{\varepsilon_{\delta}^2 + \varepsilon_M^2} \quad ([3], 74\text{–б})$$

(10)

$$\varepsilon_{\delta} = 110 \text{ мкм} \quad ([3], 4.11\text{–ж, } 77\text{–б}).$$

$$\varepsilon_M = 420 \text{ мкм} \quad ([3], 4.10\text{–ж, } 75\text{–б}).$$

$$\varepsilon_y = \sqrt{110^2 + 420^2} = 434 \text{ мкм}$$

1.5. Дастлабки ишлов беришда қўйимлар миқдори:

$$2Z_{i\min} = 2(150 + 150 + \sqrt{4.5^2 + 434^2}) = 2 \cdot 434 \text{ мкм}$$

1.6. Дастлабки ишлов беришдан кейинги қолдиқ четланиш:

$$\rho_1=0,06; \rho_3=0,06 \cdot 434 = 26 \text{ мкм.}$$

1.7. Тоза ишлов беришдан кейинги қолдиқ четланиш:

$$\rho_1=0,04; \rho_3=0,04 \cdot 434=17.4 \text{ мкм.}$$

1.8. Жилвирлаб ишлов беришдан кейинги қолдиқ четланиш:

$$\rho_1=0,02; \rho_3=0,02 \cdot 434= 8.7 \text{ мкм.}$$

1.9. Қора ишлов беришда беришда қўйимлар миқдори:

R_z ва T нинг қийматларини қуйидагича

$$R_z=50 \text{ мкм, } T=50 \text{ мкм ([3], 4.5–ж, 64–б).}$$

$$2Z_{i_{\min}} = 2(50 + 50 + 26) = 2 \cdot 126 \text{ мкм}$$

Б юза учун қўйимларни аналитик ҳисоби.

5 – жадвал

Ø90h14 юзага ишлов бериш технологик ўтишлар	Қўйим элементлари, мкм			$2z_{\min}$	d_x мм	Допуск δ , мкм	Чегаравий ўлчам, мм		Қўйимлар чегараси, мкм	
	R_z	T	$\rho + \varepsilon$				d_{\min}	d_{\max}	$2z_{\min}^x$	$2z_{\max}^x$
Қюма	150	150	603	–	91,4	1300	27,4	29	–	–
Қора ишлов бериш	50	50	36.2	2·953	92,5	520	25,5	26	1900	2680
Тоза ишлов бериш	30	30	24.1	2·136	93,23	52	25.06	25.11	440	910
Жами:									2340	3590

1.10. Тоза ишлов беришда беришда қўйимлар миқдори:

R_z ва T нинг қийматларини қуйидагича

$$R_z=30 \text{ мкм, } T=30 \text{ мкм ([3], 4.5–ж, 64–б).}$$

$$2Z_{i_{\min}} = 2(30 + 30 + 17.4) = 2 \cdot 47.4 \text{ мкм}$$

1.11. Жилвирлаб ишлов беришда беришда қўйимлар миқдори:

R_z ва T нинг қийматларини қуйидагича

$$R_z=10 \text{ мкм, } T=20 \text{ мкм ([3], 4.5–ж, 64–б).}$$

$$2Z_{i_{\min}} = 2(10 + 20 + 8.7) = 2 \cdot 39 \text{ мкм}$$

1.12. Допускларни белгилаймиз. ([7], 2–ж, 441–б).

$$\delta_1=18 \text{ мкм.}$$

$$\delta_2=43 \text{ мкм.}$$

$$\delta_3=430 \text{ мкм.}$$

$$\delta_{\text{заг}}=1100 \text{ мкм.}$$

Ҳисобий ўлчамларни аниқлаймиз. Ҳар бир технологик жараёнлар учун деталнинг чизмада кўсатилган ўлчамига юқорида ҳисобланган қўйимларни қўшиш йўли билан заготовканинг ўлчамлари d_x ни ҳисобини чиқарамиз.

$$d_{x3}=90.982+0.095 = 91.077 \approx 91.1 \text{ мм.}$$

$$d_{x2}=91.1+0.25 = 92.35 \text{ мм.}$$

$$d_{x1}=92.35+1.5 = 93.85 \approx 93.9 \text{ мм.}$$

Энг катта чегаравий ўлчамларини топамиз. Ҳар бир технологик жараён учун энг катта ўлчамларни ҳар бир ўлчам учун берилган допускларни қўшиш йўли билан аниқлаймиз.

$$d_{\text{max}3} = 90.982+0.018 = 91 \text{ мм.}$$

$$d_{\text{max}2} = 91.1+0.043 = 92.14 \text{ мм.}$$

$$d_{\text{max}1} = 92.35+0.43 = 92.8 \text{ мм.}$$

$$d_{\text{max}3} = 93.9+1.1 = 95 \text{ мм.}$$

Қўйимларни энг катта ва энг кичик қийматларини аниқлаймиз.

$$2Z_{\text{max}3}^{\Delta} = d_{\text{max}2} - d_{\text{max}3} = 92.14 - 91 = 1.14 \text{ мм} = 1140 \text{ мкм.}$$

$$2Z_{\text{max}2}^{\Delta} = d_{\text{max}1} - d_{\text{max}2} = 92.8 - 92.14 = 0.66 \text{ мм} = 660 \text{ мкм.}$$

$$2Z_{\text{max}1}^{\Delta} = d_{\text{max}3} - d_{\text{max}1} = 95 - 92.8 = 2.2 \text{ мм} = 2200 \text{ мкм.}$$

$$2Z_{\text{min}3}^{\Delta} = d_{\text{min}2} - d_{\text{min}3} = 91.1 - 90.982 = 0,118 \text{ мм} = 118 \text{ мкм.}$$

$$2Z_{\text{min}2}^{\Delta} = d_{\text{min}1} - d_{\text{min}2} = 92.35 - 91.1 = 0,25 \text{ мм} = 250 \text{ мкм.}$$

$$2Z_{\text{min}1}^{\Delta} = d_{\text{min}3} - d_{\text{min}1} = 93.9 - 92.35 = 1.55 \text{ мм} = 1550 \text{ мкм.}$$

Номинал қўйимни заготовканинг допуск майдонини носимметрик жойлашганини ҳисобга олиб аниқлаймиз.

$$Z_{\text{ном}} = Z_{\text{min}} + H_{\text{заг}} - H_{\text{дет}}$$

Бу ерда: Z_{0min} – умумий минимал қўйим;

$H_{заг}$ ва $H_{дет}$ – заготовка ва деталнинг пастки четланишлари:

$$Z_{ном} = Z_{0min} + H_з - H_д = 1550 + 1100 - 18 = 2631 \text{ мкм.}$$

$$d_{з ном} = 90.982 + 2.631 = 93.613 \approx 94 \text{ мм.}$$

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда Б юза учун бир тамонлама қўйим миқдорини 2 мм деб айтишимиз мумкин.

2. Берилган деталда $\varnothing 90$ мм, $l=30$ мм В юза учун механик ишлов беришда қўйимлар миқдорини ҳамда фазовий четланиш қийматларини ҳисоблаймиз.

2.1. Детал заготовки қюма усулида олинган бўлиб массаси 0.95 кг бўлганда ([3], 4.2–ж, 62–б) дан:

$$Z_{min} = Rz_{i-1} + T_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i$$

2.2. R_z ва T нинг қийматларини қуйидагича:

$$R_z = 150 \text{ мкм}, T = 150 \text{ мкм} \text{ ([3], 4.3–ж, 63–б).}$$

2.3. Фазовий четланиш.

$$\begin{aligned} \rho_{кор} &= \Delta\kappa \cdot L & L &= 30 & \Delta\kappa &= 0.15 \text{ мкм} & & \text{([3], 4.8–ж, 68–б).} \\ \rho_{кор} &= 0.15 \cdot 30 = 4.5 \end{aligned}$$

(9)

$$\text{([3], 4.8–ж, 71–б).}$$

2.4. Заготовкани дастгоҳ мосламасига ўрнатиш ва маҳамлаш хатоликлари йиғиндиси.

$$\varepsilon_{\text{ум}} = \sqrt{\varepsilon_{\delta}^2 + \varepsilon_{\text{м}}^2} \quad \text{([3], 74–б)}$$

(10)

$$\varepsilon_{\delta} = 110 \text{ мкм} \quad \text{([3], 4.11–ж, 77–б).}$$

$$\varepsilon_{\text{м}} = 420 \text{ мкм} \quad \text{([3], 4.10–ж, 75–б).}$$

$$\varepsilon_{\text{у}} = \sqrt{110^2 + 420^2} = 434 \text{ мкм}$$

2.5. Дастлабки ишлов беришда қўйимлар миқдори:

$$Z_{i\min} = 150 + 150 + 4.5 + 434 = 739 \text{ мкм}$$

$$739 \text{ мкм} = 0.7 \text{ мм}$$

2.6. Допускларни белгилаймиз. ([8], 32–ж, 192–бет).

$$\delta_{\text{д}} = 430 \text{ мкм}$$

$$\delta_{\text{заг}} = 1100 \text{ мкм}$$

2.7. Хисобий ўлчамни аниқлаймиз.

$$L_{x1} = 30 + 0.7 = 30.7 \text{ мм.}$$

2.8. Энг кичик ва энг катта чегаравий ўлчамларни топамиз.

$$L_{\text{мих1}} = 30 + 0.43 = 30.43 \text{ мм.}$$

$$L_{\text{маx2}} = 30.43 + 1.1 = 31.53 \text{ мм.}$$

2.9. Қўйимларни энг катта ва энг кичик қийматларини аниқлаймиз.

$$2Z_{\text{маx1}}^x = 31.53 - 30.43 = 1.1 \text{ мм}$$

$$2Z_{\text{мин1}}^x = 30.43 - 30 = 0.43 \text{ мм}$$

Умумий қўйим миқдори.

$$Z_{0\min} = 430 \text{ мкм.}$$

$$Z_{0\max} = 1100 \text{ мкм.}$$

Текшириш.

$$2Z_{\text{маx}}^x - 2Z_{\text{мин}}^x = \delta_z - \delta_{\text{д}}.$$

$$1100 - 430 = 1100 - 430 \text{ мкм.}$$

$$670 = 670 \text{ мкм.}$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

2.10. Номинал қўйим миқдори.

$$Z_{\text{НОМ}} = Z_{0\min} + H_z - H_d = 430 + 1100 - 430 = 1100 \text{ мкм.}$$

$$L_{\text{эНОМ}} = 30 + 1.1 = 31.1 \text{ мм.}$$

3.5. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини жадвал усули билан ҳисоби (қолган юзалар учун)

Қабул қилинган заготовка тури ва технологик маршрутга кўра қўйим миқдорлари ва рухсат этилган четланишларни жадвал усулида топамиз.

Қўйим миқдорини аниқлаш ва четланишларни белгилаш ГОСТ 7505 – 84.

Ишлов бериладиган юза	Ўлчам	Қўйим		Четланиш, мм
		Жадвал, мм	Ҳисобий, мм	
А	Ø90	2×2,5	2×3.5	+1.35 -0.20
Б	Ø12	2×2,7	2×2.5	+1.15 -0.45
В	Ø82	2×2,4	2×3.7	+0.43 -0.75
Г	Ø54	2×2,4	2×2.5	+0.35 -0.20

3.6. Кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш. (битта юзага)

005 Токарлик винтқирқиш операцияси. 1 – ўтиш учун кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаймиз.

Операция мазмуни: Ушбу ўтишда А торец юза $\varnothing 90$ мм $l=30$ мм ўлчамда йўнилсин. Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар:

- дастгоҳ тури: 16К20 модели токарлик винтқирқар дастгоҳи;
- кесувчи асбоб: қаттиқ қотишмали кескич: Т15К6 ГОСТ 18878–73

Кесувчи асбоб параметрлари: кескичнинг узунлиги: $L=120$, кесувчи қисмининг узунлиги: $l=10$ мм, кескичнинг баландлиги: $h=25$, кескичнинг эни: $b=16$ мм, пландаги асосий бурчак қиймати – 45° ; олдинги бурчак – $\gamma=20^\circ$; асосий қиялик бурчак – $\lambda=5^\circ$; кесувчи қисмининг эни: $n=7$, кескич учи радиуси – $1,0$ мм; ([7], 5-жадвал, 120 – бет)

- ишлов бериладиган диаметр, $d = \varnothing 78$ мм;
- ишлов бериладиган узунлик, $L = 16$ мм;
- кесиш чуқурлиги, $t = 2$ мм;

- суриш қиймати, $s = 0,84$ мм/айл ([7] 11-жадвал, 266-бет);

- кесишнинг турунлик даври, $T = 90$ дақ. ([7] 268-бет)

1. Кесиш тезлиги қуйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot s^x \cdot y} K_v,$$

бу ерда,

$C_v=420$ – кесиш тезлигини топиш учун коэффициент; ([7] 17-жадвал, 269-бет); $x = 0.15$ – кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси; $y = 0.2$ – узатиш кўрсаткичи даражаси; $m = 0.2$ – кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;

K_v - кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффициенти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{nv} \cdot K_{iv},$$

бу ерда,

$K_{mv} = 1$ – ишлов берилаётган материалнинг физик-кимёвий хусусиятларининг таъсирига боғлиқ коэффициент, ([7] 1-жадвал, 261-бет).

$K_{nv}=0.8$; $n_v=0,1$: ([7], 2-жадвал, 262-бет).

$K_{nv} = 0.8$ – заготовка юзасига боғлиқ коэффициент, ([7], 5-жадвал, 263-бет).

$K_{iv} = 1.15$ – кесувчи асбобни кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти, ([7], 6-жадвал, 263-бет).

$$K_v = 1 \cdot 0,85 \cdot 1,15 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 = 0,97.$$

2. У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{420}{90^{0.2} \cdot 0,84^{0.15} \cdot 0,2^{0.2}} \cdot 0,97 = 155 \text{ м/дақ}$$

3. Шпинделнинг айланишлар сони қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 155,7}{3,14 \cdot 90} = 550,2 \text{ дақ}^{-1},$$

бу ерда, D – ишлов берилаётган юза диаметри, мм.

4. Биз танлаган дастгоҳнинг паспорти бўйича шпинделнинг айланишлар сонини $n = 480$ айл/дақ деб тўғриласак, у ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича топилади: ([7] 4.7-жадвал, 163-бет).

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 90 \cdot 480}{1000} = 135,7 \text{ М/дақ.}$$

5. Тангенциал кесиш кучи куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot s^y \cdot v^n \cdot K_p,$$

бу ерда,

C_p ва x , y , n – муайян ишлов бериш шароити учун доимий коэффициент ва даража кўрсаткичлари, бизнинг ҳолат учун: $C_p=300$; $x=1$; $y=0,75$; $n= - 0,15$ ([7] 22–жадвал, 273–бет);

K_p – тўғрилаш коэффициенти кесиш шароитидаги омилларга боғлиқ бир қатор коэффициентларнинг кўпайтмасига тенг:

$$K_p = K_{mp} \cdot K_{\varphi p} \cdot K_{\gamma p} \cdot K_{\lambda p} \cdot K_{rp},$$

бу ерда,

$K_{mp} = 1$ – куч боғланишини ишлов берилаётган материал сифатига таъсирини ҳисобга олувчи тўғрилаш коэффициенти,

$$K_p = \left(\frac{\sigma_6}{750} \right)^n = \left[\frac{730}{750} \right]^{0,75} = 0,97 \quad ([7], 9\text{–жадвал, } 264\text{–бет}).$$

$K_{\varphi p}=1,08$; $K_{\gamma p}=0,94$; $K_{\lambda p}=1,0$; $K_{rp}=1$: ([7] 23–жадвал, 275–бет).

$$K_p = 1 \cdot 0,94 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 = 0,94$$

У ҳолда кесиш кучи куйидагига тенг:

$$P_z = 10 \cdot 300 \cdot 2 \cdot 0,84 \cdot 135,71 \cdot 0,94 = 2369,15 \text{ Н.}$$

6. Кесиш қувватини куйидаги формула орқали топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V_x}{1020 \cdot 60} = \frac{2369,15 \cdot 131,75}{1020 \cdot 60} = 5,5 \text{ кВт.}$$

Дастгоҳнинг максимал қуввати $N_э = 10$ кВт. ([7] 4.7-жадвал, 163-бет).

$$N_{\text{кес}} < N_э; \quad 5,5 < 10, \text{ яъни ишлов бериш мумкин.}$$

7. Асосий технологик вақт куйидаги формула билан аниқланади:

$$T_0 = \frac{Li}{nS},$$

бу ерда, L – узатиш ҳаракатланиш траекторияси бўйича кескичнинг умумий йўли; i – ишчи юриш сони.

Ишчи юриш узунлиги қуйидагича топилади:

$$L = l + l_1 + l_2,$$

бу ерда, l – ишлов бериладиган юза узунлиги, $l = 30$ мм; l_1 – кесиш йўли қиймати, мм, $l_1 = t \operatorname{ctg} 45^\circ + l = 3 \cdot 1 + 1 = 4$ мм; l_2 – кескичнинг ортиқча юрган йўли, $l_2 = 3$ мм. $L = 36$ мм.

$$T_0 = \frac{Li}{nS} = \frac{36}{480 \cdot 0.84} = 0,08 \text{ дақ.}$$

005 Токарлик винтқирқиш операцияси. 2 – ўтиш учун кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаймиз.

Операция мазмуни: Ушбу ўтишда Д марказий тешик $\varnothing 16$ мм $l = 10$ мм ўлчамда пармалансин.

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар:

- дастгоҳ тури: 16К20 модели токарлик винтқирқар дастгоҳи;
- кесувчи асбоб: қаттиқ қотишмали кескич: Т15К6 ГОСТ 18878–73

Кесувчи асбоб параметрлари: кескичнинг узунлиги: $L = 120$, кесувчи қисмининг узунлиги: $l = 10$ мм, кескичнинг баландлиги: $h = 25$, кескичнинг эни: $b = 16$ мм, пландаги асосий бурчак қиймати – 45° ; олдинги бурчак $-\gamma = 20^\circ$; асосий қиялик бурчак $-\lambda = 5^\circ$; кесувчи қисмининг эни: $n = 7$, кескич учи радиуси – $1,0$ мм; ([7], 5-жадвал, 120 – бет)

- ишлов бериладиган диаметр, $d = \varnothing 16$ мм;
- ишлов бериладиган узунлик, $L = 10$ мм;
- кесиш чуқурлиги, $t = 2$ мм;
- суриш қиймати, $s = 0,05$ мм/айл ([7] 11-жадвал, 266-бет);
- кесишнинг турунлик даври, $T = 60$ дақ. ([7] 268-бет)

1. Кесиш тезлиги қуйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x \cdot s^y} K_v,$$

бу ерда,

$C_v = 420$ – кесиш тезлигини топиш учун коэффицент; ([7] 17-жадвал, 269-бет); $x = 0.15$ – кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси; $y = 0.2$ – узатиш

кўрсаткичи даражаси; $m = 0.2$ – кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;

K_v - кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффициенти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{pv} \cdot K_{iv},$$

бу ерда,

$K_{mv} = 1$ – ишлов берилаётган материалнинг физик–кимёвий хусусиятларининг таъсирига боғлиқ коэффициент, ([7] 1–жадвал, 261–бет).

$$K_{mv} = K_{\Gamma} \left(\frac{750}{\sigma_B} \right)^{n_v} = 1 \cdot \left(\frac{750}{730} \right)^1 = 1.$$

σ_B -материалнинг қаттиқлиги: 730 МПа.

$K_{\Gamma}=1$; $n_v=0,1$: ([7], 2–жадвал, 262–бет).

$K_{pv} = 0,85$ – заготовка юзасига боғлиқ коэффициент, ([7], 5–жадвал, 263–бет).

$K_{iv} = 1.15$ – кесувчи асбобни кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти, ([7], 6–жадвал, 263–бет).

$$K_v = 1 \cdot 0,85 \cdot 1,15 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 = 0,97.$$

2. У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{420}{60^{0.2} \cdot 2^{0.15} \cdot 0,05^{0.2}} \cdot 0,97 = 267.7 \text{ м/дақ}$$

3. Шпинделнинг айланишлар сони қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 267.7}{3,14 \cdot 16} = 5326 \text{ дақ}^{-1},$$

бу ерда, D – ишлов берилаётган юза диаметри, мм.

4. Биз танлаган дастгоҳнинг паспорти бўйича шпинделнинг айланишлар сонини $n = 2000$ айл/дақ деб тўғриласак, у ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича топилади: ([7] 4.7–жадвал, 163–бет).

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 16 \cdot 2000}{1000} = 100.4 \text{ м/дақ}$$

5. Тангенциал кесиш кучи қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot s^y \cdot v^n \cdot K_p,$$

бу ерда,

C_p ва x , y , n – муайян ишлов бериш шароити учун доимий коэффициент ва даража кўрсаткичлари, бизнинг ҳолат учун: $C_p=300$; $x=1$; $y=0.75$; $n= - 0.1$ ([7] 22–жадвал, 273–бет);

K_p – тўғрилаш коэффициенти кесиш шароитидаги омилларга боғлиқ бир қатор коэффициентларнинг кўпайтмасига тенг:

$$K_p = K_{mp} \cdot K_{\varphi p} \cdot K_{\gamma p} \cdot K_{\lambda p} \cdot K_{rp},$$

бу ерда,

$K_{mp} = 1$ – куч боғланишини ишлов берилаётган материал сифатига таъсирини ҳисобга олувчи тўғрилаш коэффициенти,

$$K_p = \left(\frac{\sigma_e}{750} \right)^n = \left[\frac{730}{750} \right]^{0.75} = 0.97 \quad ([7], 9\text{-жадвал}, 264\text{-бет}).$$

$K_{\varphi p}=0.94$; $K_{\gamma p}=1$; $K_{\lambda p}=1.0$; $K_{rp}=1$: ([7] 23–жадвал, 275–бет).

$$K_p = 1 * 0,94 * 1 * 1 * 1 = 0,94 .$$

У ҳолда кесиш кучи қуйидагига тенг:

$$P_z = 10 * 300 * 2 * 0,056 * 1,01 * 0,94 = 648,74 \text{ Н.}$$

6. Кесиш қувватини қуйидаги формула орқали топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V_x}{1020 \cdot 60} = \frac{648.74 \cdot 100.4}{1020 \cdot 60} = 9 \text{ кВт.}$$

Дастгоҳнинг максимал қуввати $N_э = 10$ кВт. ([7] 4.7-жадвал, 163-бет).

$$N_{\text{кес}} < N_э; \quad 9 < 10, \text{ яъни ишлов бериш мумкин.}$$

7. Асосий технологик вақт қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_0 = \frac{Li}{nS},$$

бу ерда, L – узатиш ҳаракатланиш траекторияси бўйича кескичнинг умумий йўли; i – ишчи юриш сони.

Ишчи юриш узунлиги қуйидагича топилади:

$$L = l + l_1 + l_2,$$

бу ерда, l – ишлов бериладиган юза узунлиги, $l = 10$ мм; l_1 – кесиш йўли қиймати, мм, $l_1 = t \cdot \operatorname{ctg} 45^\circ + l = 3 \cdot 1 + 3 = 6$ мм; l_2 – кескичнинг ортиқча юрган йўли, $l_2 = 6$ мм. $L = 16$ мм.

$$T_0 = \frac{Li}{nS} = \frac{16}{2000 \cdot 0.056} = 0,14 \text{ дақ.}$$

3.7. Кесиш маромларини жадваллар усулида ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш (қолган юзалар учун)

010 – токарлик виртқирқиш операцияси 2 – ўтиш учун кесиш маромларини ҳисоблаймиз. В торец юзага $v=6$ мм $l=1$ мм ўлчамда ариқча кесилсин

Бошланғич маълумотлар:

- дастгоҳ: 16К20 модели токарлик винтқирқиш;
- кесувчи асбоб: кесувчи кескич Т15К6 ГОСТ 18880–73;
- Кесувчи асбоб параметрлари: кескичнинг узунлиги: $L=140$ мм, кесувчи қисмининг узунлиги: $l=15$ мм, кескичнинг баландлиги: $h=25$ мм, кескичнинг эни: $b=16$ мм, пландаги асосий бурчак қиймати – 10° ; олдинги бурчак – $\gamma=20^\circ$; асосий қиялик бурчак – $\lambda=5^\circ$; кесувчи қисмининг эни: $p=8$ мм, кескич учи радиуси – $1,0$ мм; ([6], 8 – ж, 121 – б)

- ишлов бериладиган диаметр, $d = \varnothing 80$ мм;
- ишлов бериладиган узунлик, $L = 1$ мм;
- суриш қиймати, $s = 0,98$ мм/айл ([6], 11–ж, 266–б);
- кесиш чуқурлиги: $t = 2$ мм.

1. Кесиш тезлиги қуйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x \cdot S^y} K_v$$

бу ерда,

$C_v = 317$ – кесиш тезлигини топиш учун коэффициент; ([6], 17–ж, 269–б); $x = 0.15$ – кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси; $y = 0.2$ – узатиш кўрсаткичи даражаси; $m = 0.2$ – кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;

K_v – кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффициенти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{nv} \cdot K_{uv}$$

бу ерда:

$K_{mv} = 0.94$ – ишлов берилаётган материалнинг физик–кимёвий хусусиятларининг таъсирга боғлиқ коэффициент, ([6] 1–ж, 261–б).

$K_r = 0.8$; $n_v = 1$: ([6], 2–ж, 262–б).

$K_{nv} = 0.83$ – заготовка юзасига боғлиқ коэффициент, ([6], 5–ж, 263–б).

$K_{uv} = 1$ – кесувчи асбобни материални кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти, ([6], 6–ж, 263–б).

$$K_v = 0,94 \cdot 0,8 \cdot 0,83 \cdot 1 \cdot 0,7 \cdot 1 = 0,43$$

2. У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{317}{60^{0.18} \cdot 2^{0.30} \cdot 0.98^{0.15}} \cdot 0.43 = 50.95 \text{ м/дак}$$

3. Шпинделнинг айланишлар сони қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 50.95}{3.14 \cdot 80} = 202.75 \text{ м/дак}$$

бу ерда, D – ишлов берилаётган юза диаметри, мм.

4. Биз танлаган дастгоҳнинг паспорти бўйича шпинделнинг айланишлар сонини $n = 120$ айл/дак деб тўғриласак, у ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича топилади: ([7] 4.7–ж, 163–бт).

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 82 \cdot 120}{1000} = 30.15 \text{ м/дак}$$

5. Тангенциал кесиш кучи қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot s^y \cdot v^n \cdot K_p$$

бу ерда:

C_p ва x , y , n – муайян ишлов бериш шароити учун доимий коэффициент ва даража кўрсаткичлари, бизнинг ҳолат учун: $C_p = 300$; $x = 1$; $y = 0.75$, $n = 0.15$: ([6] 22–ж, 276–б);

K_p – тўғрилаш коэффициентлари кесиш шароитидаги омилларга боғлиқ бир қатор коэффициентларнинг кўпайтмасига тенг:

$$K_p = K_{mp} \cdot K_{\varphi p} \cdot K_{\gamma p} \cdot K_{\lambda p} \cdot K_{rp},$$

бу ерда,

$K_{mp} = 1$ – куч боғланишини ишлов бериладиган материал сифатига таъсирини ҳисобга олувчи тўғрилаш коэффициенти,

$$K_{\varphi p} = 1; \quad K_{\gamma p} = 1; \quad K_{\lambda p} = 1; \quad K_{rp} = 1; \quad ([6] 23\text{-ж}, 275\text{-б}).$$

$$K_p = 1,08 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1 = 1,08.$$

У ҳолда кесиш кучи қуйидагига тенг: $10 \cdot 300 \cdot 2 \cdot 0,175 \cdot 125,66 \cdot 1 = 786,22 \text{ Н}$

$$P_z = 10 \cdot 92 \cdot 2 \cdot 0,98 \cdot 30,15 \cdot 1,08 = 1957,31 \text{ Н}.$$

6. Кесиш қувватини қуйидаги формула орқали топамиз:

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V_k}{1020 \cdot 60} = \frac{1957 \cdot 30,15}{1020 \cdot 60} = 0,95 \text{ кВт}.$$

Дастгоҳнинг максимал қуввати $N_{\Sigma} = 10 \text{ кВт}$. ([7] 4.7–ж, 163–б).

$$N_{\text{кес}} < N_{\Sigma}; \quad 0,95 < 10, \text{ яъни ишлов бериш мумкин.}$$

7. Асосий технологик вақт қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_0 = \frac{Li}{nS},$$

бу ерда, L – узатиш ҳаракатланиш траекторияси бўйича кескичнинг умумий йўли; i – ишчи йуриш сони.

Ишчи ход узунлиги қуйидагича топилади:

$$L_i = l_{\text{кес}} \cdot l_1 \cdot l_{\text{кўш}}$$

бу ерда:

$l_{\text{кес}}$ – ишлов бериладиган юза узунлиги; $l_{\text{кес}} = 40 \text{ мм}$;

l_1 – кесиш нуқтасига келиш ва кесиб ўтиб кетиш йўли; мм, $l_1 = t \cdot \text{ctg}45^\circ + l = 1 \cdot 1 + 1 = 2 \text{ мм}$;

$l_{\text{кўш}}$ – кескичнинг ортиқча юрган йўли; $l_{\text{кўш}} = 2 \text{ мм}$.

$$L = 40 + 2 + 2 = 44 \text{ мм}.$$

8. Асосий вақтни ҳисоблаймиз:

$$T_0 = \frac{Li}{nS} = \frac{44}{120 \cdot 0,98} = 0,37 \text{ дақ.}$$

010 Токарлик винтқирқиш операцияси. 3 – ўтиш учун кесиш маромларини қисқа аналитик усулда ҳисоблаймиз.

Операция мазмуни: Г юзада 3x45° фаска очилсин

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар:

- дастгоҳ тури: 16К20 модели токарлик винтқирқар дастгоҳи;
- кесувчи асбоб: қаттиқ қотишмали ўтувчи кескич: Т15К6 ГОСТ 18878–73

- ишлов бериладиган диаметр, $d = \text{Ø}54$ мм;
- ишлов бериладиган узунлик, $L = 3$ мм;
- кесиш чуқурлиги, $t = 2$ мм;
- суриш қиймати, $s = 1.05$ мм/айл ([9] 11 – жадвал, 266 – б);
- кесишнинг турунлик даври, $T = 60$ дақ. ([9] 268 – б)

1. Кесиш тезлиги қуйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x \cdot s^y} K_v,$$

бу ерда,

$C_v = 317$ – кесиш тезлигини топиш учун коэффициент; ([9] 17–ж, 269–б); $x = 0.15$ – кесиш чуқурлиги кўрсаткич даражаси; $y = 0.2$ – узатиш кўрсаткичи даражаси; $m = 0.2$ – кесувчи асбобнинг турғунлик даври кўрсаткич даражаси;

K_v – кесиш тезлигининг тўғрилаш коэффициенти, у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{pv} \cdot K_{iv},$$

бу ерда:

$K_{mv} = 0.94$ – ишлов берилётган материалнинг физик–кимёвий хусусиятларининг таъсирга боғлиқ коэффициент, ([9] 1–ж, 261–б).

$K_{pv} = 1$; $n_p = 0.8$: ([9], 2–ж, 262–б).

$K_{iv} = 0.85$ – заготовка юзасига боғлиқ коэффициент, ([9], 5–ж, 263–б).

$K_{iv} = 1$ – кесувчи асбобни кесиш тезлигига таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти, ([9], 6–ж, 263–б).

$$K_v = 0,94 \cdot 0,8 \cdot 0,83 \cdot 1 \cdot 0,7 \cdot 1 = 0,43$$

2. У ҳолда кесиш тезлиги қуйидагига тенг:

$$v = \frac{317}{60^{0.18} \cdot 2^{0.30} \cdot 1.05^{0.15}} \cdot 0.43 = 50.25 \text{ м/дақ}$$

3. Шпинделнинг айланишлар сони қуйидаги формула орқали топилади:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 50.25}{3,14 \cdot 164} = 97.54 \text{ дақ}^{-1},$$

бу ерда, D – ишлов берилаётган юза диаметри, мм.

4. Биз танлаган дастгоҳнинг паспорти бўйича шпинделнинг айланишлар сонини $n = 72$ айл/дақ деб тўғриласак, у ҳолда ҳақиқий кесиш тезлиги қуйидагича топилади: ([7] 4.7–ж, 163–б).

$$v_x = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 54 \cdot 72}{1000} = 37.09 \text{ м/дақ}.$$

5. Тангенциал кесиш кучи қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot s^y \cdot v^n \cdot K_p,$$

бу ерда,

